

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

АБДУРАСУЛОВ ШАВКАТ АБДУРАСУЛ ЎҒЛИ

**ТАБИИЙ ВА КУЛЬТУРАЛ ШТАММЛАРНИНГ МОРФО-БИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.06 –Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2024

**Ветеринария фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc) по
ветеринарным наукам**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc) on
veterinary sciences**

Абдурасулов Шавкат Абдурасул ўғли

Табиий ва культурал штаммларнинг морфо-биологик хусусиятлари 3

Абдурасулов Шавкат Абдурасул угли

Морфо-биологические особенности полевых и культуральных штаммов. 29

Abdurasulov Shavkat Abdurasul ugli

Morpho-biological charactertics of field and cultural strains 56

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 60

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

АБДУРАСУЛОВ ШАВКАТ АБДУРАСУЛ ЎҒЛИ

**ТАБИИЙ ВА КУЛЬТУРАЛ ШТАММЛАРНИНГ МОРФО-БИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.06 –Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.DSc/V27 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси (DSc) Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, (инглиз резюме)) Илмий кенгашнинг (www.ssuv.uz) веб-саҳифасида ва "ZiyoNet" ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Юнусов Худайназар Бекизарович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Расулов Ўткир Илашович
ветеринария фанлари доктори, доцент
Шабунин Сергей Викторович
ветеринария фанлари доктори, профессор, академик
Жуманов Муратбай Арепбаевич
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги
Л.М.Исаев номидаги микробиология, вирусология,
юкумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот
институтини

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил «21» 12 соат «10» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улутбек кўчаси, 77 уй, тел./факс: (998)66234-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№4332 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улутбек кўчаси, 77 уй, тел./факс: (998)66234-76-86)

Диссертация автореферати 2024 йил «21» 12 кунни тарқатилди.
(2024 йил «11» 12 даги 16 рақамли реестр баённомаси)



А.С. Даминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, в.ф.д., профессор

С.Б. Эшбурйев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, в.ф.д., доцент

Қ.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, в.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш ва юқори маҳсулдор қорамоллар подасини яратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Юқори маҳсулдор қорамоллар подасини кўпайтиришга эндоглобуляр паразитлар келтириб чиқарадиган касалликлар катта тўсқинлик қилмоқда. «Йирик шохли ҳайвонларда учрайдиган инфекцион ва инвазион касалликларнинг 8-9% ни қон-паразитар касалликлари ташкил этади»¹. «Қон-паразитар касалликларини ўз вақтида даволаш ва олдини олиш тадбирлари ўтказилмаганда оғир касалланиши ва оқибатда 40-80% гача ҳайвон нобуд бўлиши кузатилган»². «Касалланиб тузалган ҳайвонларда маҳсулдорликнинг 30%га камайиши³, кўпайиш хусусиятлари ва табиий резистентлигининг пасайиши, инфекцион касалликларга тез чалинувчан бўлиши ҳисобига иқтисодий зарар кўриш ҳолатлари кескин ортмоқда». Шу боисдан қон-паразитар касалликларини қўзғатувчиларига қарши кураш чораларини кучайтириш ва ҳайвонларда самарали профилактика қилиш усулларини ишлаб чиқиш ветеринария амалиётидаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Дунёнинг кўпгина чорвачилик ривожланган давлатларида айниқса, қорамоллар учун хавфли бўлган пироплазмидозларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ушбу муаммога алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга қарамайдан маҳсулдор қорамолларнинг қон-паразитар касалликлари иссиқ иқлим шароитида энг кўп учрайдиган тейлериоз касаллиги Марказий Осиё, Кавказ орти ва Жанубий Қозоғистонда кенг тарқалган бўлиб, катта иқтисодий зарар келтиради. Илмий-тадқиқот ишларининг асосий йўналишлари ҳайвонларни боқиш, парваришlash ва зотини яхшилаш билан бир қаторда ҳайвонларнинг турли юқумли ва инвазион касалликларга чалиниши натижасида чорвачилик маҳсулотларининг йўқотилишини камайтириш учун касалликларнинг олдини олиш ва даволашни ўз ичига олади. Иқтисодий зарар маҳсулдорликнинг пасайиши, маҳсулот сифатининг ёмонлашиши, репродуктив қобилиятнинг бузилиши, касал ҳайвонларни сақлаш ва даволаш харажатлари ва айрим ҳолларда ҳайвонларнинг нобуд бўлиши билан ифодаланади. Соф насли ва юқори маҳсулдор чорва моллари орасида касалликлар ўткирроқ кечиб, сезиларли даражада ўлимга олиб келади, этиотроп профилактика воситалари самарасининг пастлиги уларга қарши кураш чораларини кўришни қийинлаштиради.

Республикамиздаги барча тоифадаги фермер хўжаликларида 14 миллион бошдан ортиқ турли зотдаги қорамоллар парваришланмоқда. Чорвачиликни ривожлантиришга салмоқли даражада салбий таъсир кўрсатаётган тейлериоз,

¹ Аскарлов С., С.Мавлонов., С.Аскарходжаев. Кровепаразитарные болезни крупного рогатого скота. Материалы конференции «перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности» Самарканд. 2022. 8-9 сентября. С. 263-266.

² Оздемирова Д.М. Тейлериоз крупного рогатого скота на территории Терско-Кумский низменности и совершенствование мер борьбы. Автореф... дис. кан. вет. наук. - Махачкала, 2013. - 23 с.

³ Степанова Н.И., Заблочкий В.Т., Расулов И.Х., Умаров И.С., Тухтаев Б.Т. Производственная испытания превентивных свойств тейлерий (Th.annulata) выращенных в культуре клеток. Материалы II всесоюзного съезда протозологов, 1976, част 3, 104-105.

пироплазмоз ва бабезиоз каби қон-паразитар касалликлари ҳисобланади. Айниқса тейлериоз қўзғатувчисининг кенг тарқалиши билан ноқулай эпизоотик вазият мавжуд бўлиб, бу инвазиядан катта йўқотишлар вужудга келади. Этиотропик тейлериоцид препаратларнинг етишмаслиги, мавжуд даволаш ва профилактика воситаларини касаллик қўзғатувчиларининг ривожланиш босқичларини инобатга олмасдан қўлланилиши, самарали назорат чораларини амалга оширишни сезиларли даражада мураккаблаштиради. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий штаммлардан тайёрланган антитейлериоз вакцинасини яратиш ва пироплазмид инвазиясини ривожланишини яъни эпизоотик занжирини узиш ва сезгир ҳайвонларнинг қайта зарарланишини тўхтатиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги¹, 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сонли «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 31 мартдаги ПҚ-187-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сон “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устивор вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги: Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Бутун дунёда илм-фан марказлари ва таълим муассасаларида қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, қон-паразитар касалликлар зарари ва бу борадаги замонавий ва мутлақо янги ишланмалардан фойдаланган ҳолда чора-тадбирлар

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони.

²[https://search.library.wisc.edu/database/UW112677#:~:text=Animal%20Diversity%20Web%20\(ADW\)%20is,specimens%2C%20and%20recordings%20of%20sounds,](https://search.library.wisc.edu/database/UW112677#:~:text=Animal%20Diversity%20Web%20(ADW)%20is,specimens%2C%20and%20recordings%20of%20sounds,) <http://www.works.doklad.ru.>, <http://www.km.ru.>, www.dissercat.com., researchget.com., <http://fundamental-research.ru.>, www.webofscience.com, <https://www.linkedin.com/>

самарадорлиги, молекуляр биотехнология ва уларга қарши кураш усуллари ўрганилмоқда. Шу билан бирга, бир қатор илмий натижалар қўлга киритилган, жумладан: Мичиган Ҳайвонот олами хилма-хиллиги Веб Университети (АҚШ), Тиббий микробиология лабораторияси (Голландия), Патология, бактериология ва парранда касалликлари бўлими, ветеринария факултети (Германия), Ветеринария ва фармацевтика фанлари университети (Чехия), Бутунроссия экспериментал ветеринария медицина институти (Россия), ветеринария илмий-тадқиқот институтларида (ВИТИ) олиб борилмоқда.

Қорамоллар қон-паразитар касалликларидан келадиган зарар ва уларга қарши кураш чора-тадбирларининг самарадорлигини аниқлашга оид дунёда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида қўйидаги илмий натижалар олинган: чорва моллари ва паррандалар орасида кенг тарқалган ва турли даражада зарар етказадиган паразитозлар аниқланган (University of Michigan Animal Diversity Web), қорамолларда учрайдиган турли паразитар касалликларни аниқлаш, даволаш ва организмда кечаётган морфологик, биокимёвий, иммунобиологик жараёнлар таҳлил қилинган (Laboratory for Medical Microbiology, Department of Pathology, Bacteriology and Poultry Diseases, Faculty of Veterinary Medicine); чорва молларининг асосий гельминтоз ва паразитозларини даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари ишлаб чиқилган (University of Veterinary and Pharmaceutical Sciences); қорамоллар тейлериозига қарши суяқ культурал вакцина ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (БЭВИ, Россия); қорамоллар пироплазмидозларини замонавий усуллар ёрдамида даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган (ВИТИ). Бугунги кунда дунёда қорамолларнинг протозой касалликларини даволаш ва профилактика қилишда қўйидаги устивор йўналишлар олиб борилмоқда: паразитар касалликларнинг ривожланиш механизминини аниқлаш, протозой касалликларини прогноз қилишда ҳудуднинг биоэкологик омилларини эътиборга олган ҳолда касалликларни даволашда замонавий антипротозой препаратларни қўллаш ва касалликларнинг олдини олишда такомиллашган усулларни яратиш ҳамда кучли ва етарли даражада иммунитет берувчи эмламалар яратишга қаратилган.

Ҳозирги кунда дунёнинг қорамолчилик ривожланган давлатларида қорамоллар қон-паразитар касалликларининг эпизоотологияси, этиопатогенези, иқтисодий зарарини ўрганиш, касаллик тарқатувчи каналар фаунаси, касаллик кўзғатувчиларининг биологик ва культурал хусусиятларини аниқлаш, пироплазмидозларни даволаш ва олдини олишда маҳаллий штаммлардан вакциналар тайёрлаш бўйича устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қорамолларнинг қон-паразитар касалликларининг эпизоотологияси, кўзғатувчиларнинг биологик хусусиятлари, кечиш хусусиятларини ўрганиш ҳамда ушбу патологияни даволаш-профилактика чора-тадбирлари бўйича хорижий олимлардан, хусусан А.А.Адлер, В.Эллендген, Р.Бishop, Л.Соггешалл, Р.Нашеми-Фешаки, Е.Сергент, В.Шимизу, А.А.Марков, И.В.Абрамов, Р.А.Колабский ва бошқалар., Н.И.Степанова, Л.П.Дьяконов, В.Т. Заблоцкий, Н.А.Золатарев, А.А.Агаев, Л.М.Целишев,

А.К.Мавсумзоде, Г.Н.Шахматов, А.Т.Шиянов, Й.И.Карпухин, А.А.Мирзабеков, А.В.Богородицкийлар, Республикамиз олимларидан К.А.Арифджанов, И.Х.Расулов, О.А.Орипов, Т.Х.Рахимов, Э.К.Шмунк, М.Т.Турсунов, А.Ғ.Ғафуров, Х.П.Нурмаматов, О.Ў.Қўлдошев., Ў.И.Расулов, Н.Тўрабоевлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Республикамизнинг фермер хўжаликлари шароитидаги қорамолларда қон паразитар касалликларини олдини олиш учун культурал вакциналар яратиш ва уларни биотехнологиясини ўрганиш бўйича етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган. Шунингдек, пироплазмидозларга қарши кураш бўйича тавсия ва йўриқномалар ишлаб чиқиш ва ветеринария амалиётига жорий қилиш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий-таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти ва Республика ҳайвонлар ўта хавфли касалликларига ихтисослаштирилган ветеринария лабораториясида қўшма ва давлат лойиҳалари (CDR TA-MOU-00-CA 20-013) доирасида, ҳамда 20-013, КҲА-6-006 “Ўзбекистон тейлерия штаммидан тайёрланган ТАУ - 219 тейлериозга қарши вакцинасини иммуно-профилактик хусусиятларини фермер хўжаликларида ўрганиш ва амалиётга жорий этиш”, КҲА-9-044 “Қорамолларнинг тейлериоз касаллигига қарши иммуногенлик хусусияти юқори бўлган вакцина тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳалар доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорамолларда пироплазмидозлар қўзғатувчиларининг тарқалиши ва биотопларини аниқлаш ҳамда қорамол пироплазмидозларига қарши вакцинани яратиш биотехнологияси ва усуллариининг назарий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорамоллар боқиладиган турли ҳудудларда пироплазмидознинг эпизоотологик мониторингини олиб бориш;

қорамолларда пироплазмидознинг асосий ташувчиларини зоологик объектлар сифатида белгилаш;

қорамолларда пироплазмидоз қўзғатувчиларининг ривожланиши ва районлаштиришнинг мавсумийлигини аниқлаш;

тейлерия шизонтларини ўстиришда озуқа муҳитларининг ўсиш хусусиятларига қиёсий баҳо бериш;

чорва молларини иммунизация қилишда тейлериозга қарши вакцинанинг реактогенлик ва иммуногенлик хусусиятларини ўрганиш;

тейлериоз вакцина изолятларининг вирулентлигини аниқлаш;

ҳайвонлар бабезиозига қарши вакциналар яратиш имкониятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида табиий ва спонтан зарарланган ҳайвонлар, қорамолларда пироплазмидоз қўзғатувчилари *Theileria annulata*, *Babesia bigemina*., *Babesia bovis* ва тарқатувчи каналар олинган.

Тадқиқотнинг предмети касаллик ташувчи каналарнинг биологияси ва ҳаёт цикли, қорамолларда пироплазмидозларнинг олдини олиш учун вакцина препаратларини яратиш биотехнологияси, маҳаллий штаммаларнинг культурал хусусиятлари, қон суртмалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ушбу диссертация ишини бажаришда клиник, паразитологик, морфологик, микробиологик, паразит протозооларини етиштиришнинг замонавий экспериментал усуллари, ПЦР (полимераза занжири реакцияси) ва ИФА (иммунофермент таҳлил) усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Республикамизнинг 5 та (Жанубий, Шимолий, Шарқий, Ғарбий ва Марказий) ҳудуди бўйича қорамоллар пироплазмидоз қўзғатувчиларини иқлимий, ҳайвонлар миграцияси ва сақлаш шароитларига боғлиқ ҳолда тарқалиш динамикаси таҳлил қилинган;

қорамоллар қон паразитар касалликларига қарши антителириоз вакцинасининг вирулентлиги 73-81 пассажларда пасайиб, 117-пассажада умуман бўлмаслиги аниқланган;

Babesia bigemina изоляти *in vivo* шароитида бешта пассаждан сўнг заифлашиб бориши тадқиқотларда аниқланган;

тейлерия шизонтларини ўстиришда RPMI1640 озика муҳити энг қулай вариант эканлиги очиб берилган;

Theileria annulata ни чуқур музлатишда глицерин ва ДМСО криопротекторларининг самарадорлиги энг юқори эканлиги илмий исботланган;

қорамолларнинг тейлериозини олдини олиш учун культурал вакцина ва уни олиш усули (№ IAP 05768 Тошкент 15.02.2019й.) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ҳудудидаги иксодид каналарнинг тур таркиби, қорамолларнинг кана билан зарарланиши, мавсумий динамикаси, қорамолларда пироплазмоз, бабезиоз, тейлериознинг тарқалиши, уларнинг аралаш шакллари, пироплазмидозларнинг кечиш хусусиятлари ва ўзига хосликлари аниқланган;

қорамоллар қон-паразитар касалликларини тарқатувчи иксодид каналар фаунаси, уларнинг фаоллик динамикаси, пироплазмидозларнинг ҳозирги эпизоотик ҳолати, мавсумлар бўйича пайдо бўлиши аниқланган;

бўғимоёқли иксодид каналар томонидан юқтириладиган касалликлар тарқалишини ретроспектив таҳлил қилиш асосида тегишли ҳудудларнинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда паразитларга қарши чораларнинг тегишли тизими таклиф қилинган;

қорамоллар тейлериоз ва бабезиозларига қарши вакцина препаратларининг тажриба вариантлари Республикамиз фермер хўжаликларида кенг қўламли ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилган;

антителириоз вакцинасининг тажриба вариантларида иммуногенлик, реактогенлик хусусиятлари ўрганилиб, ҳайвонларнинг ҳар-хил физиологик ҳолатларида эмлаш схемаларининг самарадорлиги жорий қилинган;

қорамолларда пироплазмоз касаллигига қарши курашиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган ва ветеринария амалиётига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-тадқиқотларни янги замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда олиб борилганлиги, олинган назарий маълумотларнинг тажрибалар натижаларига мос келиши, пироплазмидоз кўзғатувчиларининг биологик хусусиятларини ўрганишда замонавий текшириш усуллари (ПЦР, ИФА)дан фойдаланганлиги, олинган натижаларни илмий таҳлил қилинганлиги, замонавий статистик дастурлардан фойдаланган ҳолда натижаларни таҳлил қилинганлиги, илмий тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, патент, далолатнома ва маълумотномалар билан тасдиқланганлиги ҳамда олинган натижаларни нашр этилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, чорвачилик ривожланишига катта иқтисодий зарар келтирадиган қорамоллар пироплазмидоз касалликларининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилинганлиги, тейлериоз кўзғатувчиларини озиқа муҳитларида ўстиришнинг энг қулай вариантларини аниқланганлиги, *Theileria annulata* ни чуқур музлатишда глицерин ва ДМСО криопротекторларининг самарадорлиги энг юқори эканлиги илмий исботланганлиги, касалликнинг тарқалишини аниқлаш ва уни олдини олиш бўйича эпизоотияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишнинг назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қорамолларда пироплазмидознинг эпизоотик ҳолатини кенг миқёсда таҳлил қилинганлиги, антитейлериоз вакцинасининг иммуногенлик, реактогенлик хусусиятларини ўрганилганлиги, вакцинанинг тажриба вариантлари ҳайвонларнинг турли ёшида, зоти, маҳсулдорлиги ва ҳар-хил физиологик ҳолатларида эмлаш схемаларининг жорий қилинганлиги, қорамолларни пироплазмидоз касалликларига қарши курашиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилиб, ветеринария амалиётига жорий этилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Табиий ва культурал штаммларнинг морфо-биологик хусусиятларини ўрганиш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқотлар асосида қуйидагилар ишлаб чиқилган:

“Қорамолларнинг тейлериозини олдини олиш учун культурал вакцина ва уни олиш усули” ишлаб чиқилиб, ветеринария амалиётига жорий этилган (№ IAP 05768 Тошкент 15.02.2019й.) (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 14 августдаги №02/23-452-сон маълумотномаси). Натижада тейлериоздан келиб чиқадиган иқтисодий зарарнинг 95-99% гача олдини олишга эришилган;

“Қорамолларда пироплазмоз касаллигига қарши курашиш бўйича услубий тавсиянома” тасдиқланган ва Тошкент, Жиззах ва Қашқадарё вилоятининг қорамолчилик фермер хўжаликларига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 14 августдаги №02/23-452-сон маълумотномаси). Натижада қорамолларда пироплазмидозларни олдини олиш орқали чорвачилик хўжаликларини ушбу

касалликлардан 80-90% гача соғломлаштириш имконияти яратилган;

“Қорамолларнинг пироплазмидозларига қарши курашиш бўйича йўриқнома” ишлаб чиқилган ва ветеринария амалиётига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 14 августдаги №02/23-452-сон маълумотномаси). Ушбу қўлланма қорамолларда қон паразитар касалликларининг олдини олиш чора-тадбирларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилган;

Қорамолларда ТАУ-219 антителириоз вакцинанинг тажриба варианты ишлаб чиқилган (қайд. Гувоҳнома №001410 03.08.2009.) ва қорамолчилик хўжаликларига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 14 августдаги №02/23-452-сон маълумотномаси). Қорамоллар пироплазмидозларини олдини олиш учун ТАУ-219 антителириоз вакцинанинг тажриба вариантыни қўллашнинг самараси юқори бўлиб, сарфланган 1 сўм харажатлар ҳисобига 6,5 сўм фойда олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 7 та, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамада қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп қилинган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та, шундан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Олинган натижалар бўйича 1 та ихтиро патентлаштирилган, 1 та гувоҳнома олинган ва 1 та йўриқнома, ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 7 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида олиб борилаётган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, уларнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, илмий янгилик ва амалий натижалар, олинган маълумотларнинг ишончлилиги, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти, илмий натижаларни амалиётга тадбиқ этиш ва диссертацияни синовдан ўтказиш, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг “**Адабиёт шарҳи**” номли биринчи бобида қорамол пироплазмози - патогенларнинг биологияси, эпизоотологияси бўйича адабиётлар батафсил кўриб чиқилган, ушбу касалликларни даволаш ва олдини олиш усуллари ва турли дизайн технологиялари ва олдини олиш воситалари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

“**Материаллар ва тадқиқот усуллари**” деб номланган иккинчи бобида материал ва тадқиқот усуллари тақдим этилган.

“Қорамол пироплазмидозининг эпизоотологик мониторинги” деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда қорамол пироплазмидозининг эпизоотологик мониторинги бўйича маълумотлар келтирилган.

Қорамолларда пироплазмидоз касалликларида эпизоотологик жараённинг кўпгина омиллари касаллик ташувчилари билан чамбарчас боғлиқлигини ҳисобга олиб, биз, биринчи навбатда, иксодид каналарнинг паразитлар билан зарарланишининг айрим жиҳатларини ўрганишни зарур деб ҳисобладик. *H.anatolicum*, *H.detrutum*, *H.asiaticum* ва *B.calcaratus* пироплазмидозларнинг ташувчиси бўлиб, уларни биз асосан ҳайвонларда қайд этдик.

Қорамоллар иксодидлар билан зарарланиш ёши динамикаси ўрганилиши натижасида барча ёшдаги ҳайвонлар иксодид каналар билан зарарланиши аниқланди. Турли ёшдаги қорамолларнинг касалланиш даражаси сезиларли даражада фарқ қилади. Шунини такидлаш керакки, ёш ҳайвонлар сигирларга қараганда кўпроқ касалланган. Инфекция интенсивлиги ўртача 1 ёшгача бўлган қорамолларда мос равишда 29,95%, 1-3 ёшда 41,14%, 4-6 ёшда 26,02% ва 6 ёшдан юқори 20,26%, бир ҳайвонда кана популяцияси зичлиги. $8,76 \pm 0,72$; $12,63 \pm 1,04$; $9,12 \pm 0,76$ ва $5,33 \pm 0,51$ нусха/бош. Ўсиш индекси бир ёшгача бўлган ҳайвонлар учун 2,12 намуна, 1-3 ёш учун 5,19, 4-6 ёш учун 2,37 ва 6 ёшдан катта ҳайвонлар учун 1,08 намунани ташкил этди.


Шундай қилиб, 1-3 ёшли қорамолларнинг иксодид каналар билан максимал зарарланиши аниқланди. Таъкидланганидек, ҳайвонларнинг ёши каттариши билан иксодидлар билан зарарланиш камаёди, бу ҳайвонларнинг ёшга боғлиқ қаршилиги ва ёши каттароқ ҳайвонларда терининг қалинлашиши билан боғлиқ бўлиб, паразитларнинг озикланиш имкониятини камайтиради.

Ҳар ойда 126–147 бош қорамолларни текшириш натижаларига кўра, ҳайвонларни йил давомида иксодид кана билан зарарланиши аниқланди. Зарарланиш даражаси 4,61 дан 68,07% гача кузатилди. Баҳорда қорамоллар зарарланишининг босқичма-босқич ўсиши қайд этилди. Ҳайвонларнинг иксодидлар билан энг кўп зарарланиши май ойида бўлиб, ҳар бир ҳайвондан ўртача $18,4 \pm 1,33$ та намуна топилган ҳолда 65,07% га етди. Май ойида каналаниш индекси 11,97 намунани ташкил этди. Иксодидларнинг популяцияси сонининг қорамолларда кўплиги қулай шароитларнинг бошланиши имаголарнинг ҳужуми билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Июл-август ойларида иссиқ ҳавонинг бошланиши билан қорамолларда кана камайиб, август ойидан октябргача яна кўпайиши кузатилди, октябр ойида 48,5% ни ташкил қилди. Кейинги ойлarda ҳайвонларнинг зарарланиши сезиларли даражада камайди, қишда эса паст даражада қолди.

523 бош сигир ва 116 бош буқада иксодид кана борлигини текшириш натижаларини таҳлил қилганда, иксодидлар билан зарарланиш кўрсаткичлари, зарарланишнинг интенсивлиги ва ўсиш индексида сезиларли фарқ аниқланмади.

Сигирларнинг зарарланиши 30,21%, буқаларнинг зарарланиши эса 27,58% ни ташкил этди, мос равишда бир бошига $9,42 \pm 0,80$ ва $8,90 \pm 0,72$ намуналар аниқланган. Буқалар учун каналаниш индекси 2,45 ни, сигирлар учун эса 2,84 ни ташкил этди.

Турли зотдаги қорамолларни ўрганиш натижалари қорамолларнинг иксодидлар билан зарарланиши бўйича кўрсаткичлар ишончилиги сезиларсиз бўлишини кўрсатди ($P>0,05$). Голштейн қорамолларининг зарарланиш даражаси 32,92%, қора-ола зотдаги қорамолларда 31,34% ва чатишган қорамолларда 27,59% ни ташкил этди. Қизил чўл зотли қорамоллар эса камроқ (26,85%) зарар кўрганлиги аниқланди.



1.-расм. Қорамолларнинг каналар билан зарарланиш даврлари

Яйлов-лагер шароитида сақланидиган сигирлар иксодидлардан энг кўп зарар кўрган. Зарарланиш даражаси 29,39% ни ташкил этди, инвазия интенсивлиги $10,16 \pm 0,86$ нусха/бош ва нусхаларнинг миқдори - каналаниш индекси 2,98 ни ташкил қилди. Яйлов шароитида қорамолларда иксодид кана билан зарарланиш бирмунча паст бўлган, шу билан бирга, зарарланиш даражаси 28,0%, инвазия интенсивлиги $9,12 \pm 0,83$ нусха/бош ва каналаниш индекси 2,55 нусхани ташкил этди. Яйлов-лагер ва яйлов-турғун жойларда қорамолларнинг касалланиш даражасидаги фарқ унчалик катта эмас ($P > 0,05$).

Бутун йил давомида турғун ҳолда боқиладиган қорамоллар иксодид каналардан деярли холи бўлган, баъзида 1,65 фоизида кана аниқлангани бундан мустасно. Бу ҳайвонларда инвазия интенсивлиги $1,42 \pm 0,10$ нусха/бошда акс этди. Каналаниш индекси 0,02 нусхани ташкил этди. Бир жойда боқилган қорамолларда зарарланиш кўрсаткичлари сезиларли даражада паст бўлган ($P < 0,05$), шунинг учун ҳайвонларни сақлашнинг бу усули ҳайвонларни иксодидозлардан сақлаш усули сифатида тавсия этилиши мумкин.

Йилнинг турли вақтларида қорамоллардан йиғилган иксодид каналар таркиби ҳайвон ёшига нисбатан сезиларли фарқи аниқланди. Январдан мартгача бўлган даврда 2,2-6,1 фоиз қорамолларида каналарнинг имагоси топилган. Баҳор фаслининг бошланиши билан қорамолларда иксодидлар (имаго) тарқалиши ортиб, апрел ойида 28,68% ва 65,07% ни ташкил этди. Июнь ойида қорамолларда жинсий етук кананинг тарқалиши 43,75% ни ташкил этди. Иссиқ даврда: июл-август ойларида ҳайвонларнинг зарарланиш ҳолати 23,01% гача камайди, сентябрда ва айниқса октябрда зарарланиш такроран 48,48% гача кўпайиши қайд этилди. Ноябрь ойидан бошлаб зарарланиш даражасининг 19,68% гача, декабрда эса 4,61% гача пасайиши кузатилди.

Қорамолларда иксодид кана личинкаларининг максимал сони май-июн ва октябр ойларида аниқланган. Личинкаларнинг ягона нусхалари апрел ойида ҳайвонларда топила бошланди. Декабрдан апрелгача бўлган даврда ҳайвонларда личинкалар топилмади.

Иксодид кана нимфалари майдан декабргача чорва қорамолларида паразитлик қилган, уларнинг сони июн-июл ва октябр-ноябр ойларида энг юқори кўрсаткичга эга эканлиги қайд этилган.

Каналарининг тейлерияни қабул қилувчи босқичлари нимфалар ҳисобланади, касал ёки касалланиб тузалган ҳайвонлардан озиқланганда зарарланади. Кана нимфадан етук имаго босқичига ўтади, бу иккинчи босқич қорамолни зарарлашга қодир. Кўпгина муаллифлар ва бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, кананинг етилмаган фазалари қорамоллардаги тейлериоз эпизоотологиясида муҳим аҳамиятга эга эмас. Имаго ҳайвон қонни сўрганда озиқланган ҳайвон қонига паразитларни ўтказди ва тейлериялардан халос бўлади.

Шундай қилиб, урғочи кана томонидан қўйилган тухум ва улардан чиқадиган личинкалар паразит ташувчилар қони билан озиқланмагунча стерил ҳолда бўлади. Ҳар бир кана ўзи зарарланган бўлса ҳайвонни тейлериоз билан зарарлаши мумкин. Бундан ташқари каналар тейлерия ташувчиси бўлган ҳайвонларнинг қонини сўрганда зарарланади. Зараланган оч каналар

тейлерияни 10 ойгача сақлаш мумкин, каналарнинг ўзи эса 15 ойлик очликдан кейин озиклана олади. Қон билан озикланаётганда *Th. annulata* билан зарарланган кана ҳайвонларга паразитни 24 соат давомида юктириши мумкин. Тейлерия ва ташувчи каналарнинг бундай муҳим биологик хусусиятларини билиш паразитларнинг қарши профилактика чораларини ишлаб чиқишни сезиларли даражада осонлаштиради.

Паразитлар периферик қон эритроцитларида думалоқ, овал, вергулсимон, таёқчасимон, хочсимон (бўлинувчи босқичлар) ва нуктасимон шаклда учрайди. Эритроцитларнинг шикастланиши юқори бўлиши мумкин – юқори инвазияда паразитемия 60-90% га етади. Баъзи тадқиқотчилар паразитнинг ривожланиш босқичида жинсий кўпайиш жараёнини яъни тейлериянинг эритроцит шакллари гаметоцитлар деб ҳисоблашади. Бу жараёни инкор этувчи бошқа муаллифлар уларни трофозоитлар ва мерозоитлар сифатида қабул қиладилар.

Шуни такидлаш керакки, йилнинг турли фаслларида қорамолларда иксодидларнинг таркиби сезиларли даражада фарқланади. Январ-март ойларида ҳайвонларда кана популяцияси йил давомидаги мавжуд бўлган 100%, имаголардан иборат бўлди. Апрель ойида кана личинкалари аниқлана бошлади, бу умумий 13,52% ни ташкил этди. Май ойида қорамолларда имаголар, личинкалар ва нимфаларнинг нисбати мос равишда 48,81, 44,56 ва 6,63% ни ташкил этди. Кейинги ойларда имаголар улуши камайди ва личинкалар ва нимфалар сони ортиб, июн ойида 40,10; 32,82 ва 27,08% ни, июл ойида 24,36; 17,45 ва 58,18% ни мос равишда ташкил этди. Ноябрь-декабр ойларида эса нимфалар устунлик қилган (57,22 ва 55,56%).

Марказий Осиёнинг турли минтақаларидаги эпизоотологик вазиятни тавсифловчи мавжуд илмий-адабий маълумотлар ҳамда Ўзбекистон протозоологлари, шунингдек, амалий ветеринария мутахассисларининг кузатишлари ҳамда тадқиқотимиз натижаларини таҳлил қилиб қуйидагича хулосага келишимиз мумкин: *H.anatolicum* ва *H.detrutum* каналари фақат имаго босқичида инвазиялаш хусусиятига эгадир. Ҳайвонларни зарарлаш фақат қон сўриш жараёнида содир бўлади. Бу каналарнинг личинка ва нимфалари томонидан қон сўриш жараёни узок давом этмайди. Бизнинг тажрибаларимизда қорамолларда бу каналарнинг личинкалари (тейлерия ташувчисиди) паразитлик қилиш жараёнида зарарланмаган, нимфа фазасида эса бу каналар тейлерия кўзгатувчилари билан зарарланган.

Қорамолларда пироплазмознинг мавсумий динамикасини ўрганар эканмиз, ҳайвонларда тейлериоз билан касалланишнинг энг юқори даражаси ёзнинг бошларида, пироплазмоз ва франциеллёз эса баҳорда содир бўлишини аниқладик. Ташқи муҳитнинг ҳарорат режимига қатъий боғлиқ ҳолда дастлабки касалланиш ҳолатларини аниқлаш мумкин. Яъни, баҳорнинг эрта келиши билан касалланиш ҳолатлари ҳам ярим бир ой олдинроқ қайд қилинади.

Худди шундай, фақат тескари тартибда - иссиқ кузда касалликнинг охирги ҳолатлари ярим ой - бир ойдан кейин кузатилиши мумкин.

Касалланишнинг иксодит - касаллик ташувчилари мавжудлиги билан коррелятив боғлиқлигини таҳлил қилганда, бу икки кўрсаткич ўртасидаги

тўғридан-тўғри корреляцион муносабат мавжудлигини қайд этиш керак (1-жадвал).

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, касалликнинг чўққилари нафақат касаллик тарқатувчиларнинг ривожланиш циклига, балки мавсумнинг ҳарорат режимига ҳам боғлиқ.

1-жадвал

Қорамолларда пироплазмознинг мавсумий динамикаси

Йил фасллари	Текширилган қон суртмалари сони	Аниқланган касаллик чақирувчиси,(%)			
		<i>Th. annulata</i>	<i>P.bigeminum</i>	<i>Fr.cohica</i>	<i>A.marginale</i>
Баҳор	195	36	43	14	10
Ёз	297	81	14	3	2
Куз	140	55	19	3	3
Жами	632	61	28	8	5

Табиий-иқлим шароитига кўра биз Ўзбекистон Республикасини 5 та шартли зонага ажратдик:

- Жанубий (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари);
- Шимолий (Қорақалпоғистон Республикаси)
- Шарқий (Фарғона водийси);
- Ғарбий (Хоразм, Навоий вилоятлари);
- Марказий (Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари).

Қорамолнинг пироплазмидозлари ушбу зоналарнинг ҳар бирида қайд этилган;

1. Иқлим шароити;
2. Қорамоллар миграцияси;
3. Сақлаш шарт-шартлари.

Турли тейлерия изолятларини морфологик ўрганиш натижасида юмалоқ, тухумсимон, новда шаклидаги, вергул сифатида, хоч шаклидаги, анаплазмасимон кўришида топилганлиги аниқланди.

Диссертациянинг “*Theileria annulata*” вакцина материаллини олиш” деб номланган тўртинчи бобида *Theileria annulata* вакцина изолятини етиштириш учун турли хил озукавий муҳитларнинг ўсиш хусусиятларини олиш ва ўрганиш ҳақида маълумот берилган.

Тадқиқотлар натижаларида, энг юқори ўсиш хусусиятлари 10% бузоқ эмбриони зардобини билан бойитилган RPMI 1640, муҳитидан фойдаланилганда ва концентратиясини 20% гача ошириш ҳужайра ўсишида сезиларли ўзгаришларни кўрсатмади. RPMI 1640 озук муҳитининг Игла MEM муҳитидан устунлиги, қон ҳужайралари ва гибридомаларни етиштириш учун мўлжалланганлиги билан боғлиқ (2 жадвал). Бундан ташқари, клонал ҳужайралар ўсишини таъминлаш учун 1958 йилда ишлаб чиқилган RPMI

озуқаси таркибида культураларни ўстириш учун атмосферасида 5% CO₂ бўлиши керак.

Ҳозирги вақтда эритроцитлар, тромбоцитларнинг музлатилган концентратлари, лейкоцитлар ва бошқа хужайра культураларини биотехнологик мақсадларда узоқ вақт (ойлар, йиллар) давомида сақлаб туриш мумкин. Эритилган хужайра суспензиялари биотехнологик жараёнларда, вакциналар, диагностикумлар тайёрлашда фаол ишлатилади, шунингдек, лейкокемия, апластик анемия, сепсис, миелодиспластик синдром, баъзи муҳим ўсмаларда ва бошқа оғир касалликларда қўлланилади.

2- жадвал

Озуқа муҳитлари

Озуқа муҳити	Қон зардоби мавжудлиги	<i>Theileria annulata</i> нинг кўп қатламли шизонтининг ҳосил бўлган куни
RPMI 1640	10%	5-10
RPMI 1640	20%	5-10
ИГЛА MEM	10%	7-12
ИГЛА MEM	20%	7-10

Микро ва макрообъектларни музлатиш учун моно- би- ва комбинацияланган криопротекторлардан фойдаланиш бўйича етарли тажриба ҳосил бўлиши натижасида идеал, токсик бўлмаган криопротекторни олиш муаммоси ҳал қилинмаганлиги малум бўлди. Бундан ташқари, энг аниқ криопротектив хусусиятларга эга бўлган кимёвий бирикмалар бир вақтнинг ўзида хужайра ва организм даражасида сезиларли токсикликни намоён этиши ҳақида далиллар мавжуд. Замонавий клиник амалиётда қўлланиладиган эритилган хужайралардан заҳарли криопротекторларни ювиш тадқиқотчиларни қониктирмайди ва ҳақли равишда танқид қилинади (3-жадвал).

3-жадвал

***Theileria annulata* ни ривожланишининг шизогонал босқичини ўстириш жараёнида турли хил криопротекторлардан фойдаланиш ва оптимал криопротекторни аниқлаш**

Криопротектор номи	Музлатилгунгача бўлган хайвон сони %	Эритилгандан сўнг хайвон сони %
1. Глицерин (КПК)	75,3±3,2	65,3±4,1
2. ДМСО (КПК)	66,5±1,7	53,5±1,3
3. ПЭО-400 (КСД)	85,4±1,3	83,4±2,3
4. ПЭО-1500 (КСД)	86,7±1,4	84,7±2,1

“Тейлерия вакцина изолятининг иммуногенлиги ва реактогенлиги” деб номланган бешинчи бобида тейлерия вакцина изолятининг иммуногенлиги ва реактогенлиги бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Экспериментал-тажриба ва эмланмаган назорат гуруҳлари ҳайвонларида иммунитетнинг асосий кўрсаткичлари касалликнинг авж олиш даврида иммунокомпетент хужайралар, хусусан Т-лимфотцитлар нисбий ва мутлақ сонининг камайиши билан тавсифланган ва бу қийматлар аниқ ифодаланган. Бу ерда гуморал иммунитетни шакллантириш учун масъул бўлган В-лимфотцитлар сонининг кўпайишини таъкидлаш керак.

Бизнинг малумотларимиз ва адабий манбалардан олинган малумотларни ҳисобга олган ҳолда, ректогенликни аниқлаш бўйича тажрибаларимизда биз эмлаш учун *Theileria annulata* шизонтининг 120-пассаждан фойдаландик. Шу мақсадда тажриба гуруҳидаги 5 та бузоқ эмланди, назорат гуруҳига 3 бош бузоқ оллинди. Эмланган бузоқлар клиник кузатувдан ўтказилди ва бу даврда ҳеч қандай салбий оқибатлар қайд этилмади. Эмлашдан 2 ой ўтгач, барча бузоқлар *Theileria annulata* нинг дала изолати билан зарарланган каналардан ажратилган изолят билан зарарлантирилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, тажриба гуруҳида эмланган бузоқларда тана ҳарорати бироз кўтарилиб, 38,5°C даражага, зарарлангандан кейин 10-14-кунларда 1-2 кун давом этган, гемоглобин ва гематокрит даражаси бироз пасайган, назорат гуруҳидаги бузоқларда эса тейериознинг киник белгилари аниқ намоён бўлди. Бузоқлар ўлимининг олдини олиш мақсадида ушбу ҳайвонлар бупарваквон препарати билан кўрсатмаларга мувофиқ даволанди.

Шуни таъкидлаш керакки, *Theileria annulata* шизонтлари мавжуд бўлган культурал хужайрали вакцина зарарланган хужайраларни кетма-кет пассаждан ўтказиш йўли билан олинган ва 80-пассаждан бошлаб улар ўзларининг вирулент хусусиятларини йўқотган. (4-жадвал)

4 жадвал


***Theileria annulata* шизонт вакцина культураси инфекцияланган хужайраларни кетма-кет ўтказиш йўли**

Тажриба ёки назорат гуруҳи	Ҳарорат давомийлиги (кун)	Юқори паразитар ҳолат (%)	Нб нинг камайиши (%)	Гематокритнинг камайиши (%)
Тажриба гуруҳи	1-2	1-2	20-25	16-30
Назорат гуруҳи	5-6	5-80	45-22	46-30

Тўқима културасини ўстириш жараёнида тейлериялар вирулентлигини пасайиш даражаси касалликка сезгир бузоқларни паразитлар суспензияси билан маълум вақтлар оралиғида эмлаш, эмланган бузоқларнинг клиник ва иммун реакцияларини кузатиш орқали назорат қилинди. Бу билим ва меҳнат талаб қиладиган қиймати бирмунча юқори бўлган жараён. Тадқиқотчилар томонидан *Th. annulata* паразитини узоқ муддат давомида ўстиштириш жараёнида шизонтлар вирулентлиги ва протеолитик ферментлар фаоллиги ўртасида узвий

боғлиқлик аниқланган (Baylis, S.A., Dixon, L.K., Vydelingum, S., Smith, G.L., 1992.). Металлопротеиназалар (ММРс) кейинчалик *Th. annulata* учун вирулентлик омиллари сифатида аниқланди, чунки *Th. annulata* паст (сусайтирилган) ва юқори (сусайтирилмаган) ўтиш шизонт-инфекцияланган хужайраларда металлопротеиназ 9 (ММР9) фаоллигининг йўқлиги (Njiiri NE, Bronsvoot BM, Collins NE, Steyn HC, Troskie M, Vorster I, et al., 2015) мавжуд эди. Бу ўз навбатида, сезгир бузоқлардаги жорий синовлар ўрнига экилган шизонтларнинг заифлашишини назорат қилиш учун *in vitro* тестини ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлашни таклиф қилади. Бошқа томондан, шизонт билан зарарланган хужайра линияларида матритса металлопротеиназаларининг фаоллиги ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик топилмади (Graham RD, Welch RM, Bouis HE. 2001). Хужайра культурасига ўтган изолятларни солиштириш *Th. annulata* паразит изолятини етиштиришнинг турли босқичларида вирулентликнинг сусайиши ва ферментатив фаоллиги ўртасидаги боғлиқликни аввалроқ тавсифланган усул ёрдамида аниқлаш имконини берди (Baylis, S.A., Dixon, L.K., Vydelingum, S., Smith, G.L., 1992).


1-расмда желатинни дегрдатцияловчи субстрат SDS-PAGE 10% акриламид гелларида шизонт билан зарарланган хужайраларнинг 10-дан 117-гачаси бўлган электрофоретик жиҳатдан фарқли протеиназ фаоллиги кўрсатилган. 20 | xg/lane нинг хужайра лизатида учта чизиқ бирлашуви кузатилди 200 дан 62 кДа гача бўлган нисбий молекуляр массаси (Mr) билан 10-пассажга ўтишдаги бўлак (2-расм, 1-йўлак). Ушбу микдорнинг ярми 0,2% желатинни ўз ичига олган 8% акриламид гелга қўлланилганда, аниқ чизиқларни (2-расм, 2-йўлак) яққо кўриш мумкин. 23-субкултурадан хужайралар тайёрланганда тахминан 90 ва 62 кДа бўлган иккита тасма кўринди (2-расм, 3-йўлак). Ўтишлар сони ортиб бориши билан фермент фаоллиги аста-секин пасайиб борди ва 32 ва 43-ўтиш жойларидаги лизатлар билан фақат битта доимий тасма кузатилди (2-расм, 4 ва 5-йўлаклар). 60-ўтиш жойидаги лизатларда заиф ассотсиатсия аниқланди (2-расм, 6-йўлак), 73 ва 81-ўтиш жойларида (2-расм, 6 ва 7-йўлаклар мос равишда) кичик излар топилди ва тейлерия шизонт ўстиришда 117 га кўтарилди ҳеч қандай фермент кузатилмади. Соғлом бузоқдан РВМС тайёрланганда протеолитик фаоллик кузатилмади (2-расм, 9-йўлак)



2-расм. Турли пассажлар даражасида зарарланган шизонт хужайраларнинг ферментатив фаоллиги

10% SDS-PAGE ва 0,2% желатиннинг ҳар бир қаторига 20 хг протеин юкланган (2-бўлақдан ташқари, 0,2% желатин бўлган 8% гелга 10 мкг юкланган). Ҳар бир сатр учун ўтиш рақами расмда кўрсатилган. 9-қатор инфекцияланмаган назорат ҳужайраларини ифодалайди. Чапдаги рақамлар тахминий нисбий молекуляр оғирликни кўрсатади (2-банддан ташқари).

Таққослаш учун биз (5) маълумотларни олдик, у ерда Ўзбекистон ва Исроил тейлерия изолатларининг фермент фаоллигини солиштирдик (2-расм).



3-расм. 197-пассаждача ўтказилганда Исроил изоляциясининг шизонт билан зарарланган ҳужайраларининг ферментатив фаоллиги.

Ҳар бир 10% SDS-PAGE ва 0,2% желатин чизиғи 20 мкг протеин билан тўлдирилган. пассаж рақами расмда кўрсатилган. Лане "9" инфекцияланмаган назорат ҳужайраларини англатади.

Исроил вакцина штамми ҳолатида, 18-ўтиш жойидаги лизат билан желатин билан намланган гелда кенг тармоқли интенсивлик кузатилди (3-расм, 1-чирик). 32-ўтишдан 149-гача бўлган тайёргарлик билан интенсивлик аста-секин камайди (3-расм, 2-6-йўллар) ва 181 ва 197-ўтиш жойларининг субкултураларидан олинган лизатлар билан фақат заиф, деярли сезилмайдиган чирик пайдо бўлди (3-расм, 7 ва 8-йўллар, мос равишда) зарарланган хайвонда РВМС протеолитик фаоллик кузатилмади (3-расм, 9-қатор).

Барча синовдан ўтган ингибиторлар фермент фаоллигига тасир коўрсатмади, ЭДТА дан ташқари, синовдан ўтган штамдан қатъий назар (кўрсатилмаган). ЭДТА фермент фаоллигини 5 мМ максимал концентрациядан 0,01 мМ гача бўлган энг паст концентрациягача бўлади.

50-пассаждача ўстирилган ўзбек изолятининг шизонтларини бузоқларга юборилгандан сўнг уларда ҳарорати кўтарилди ($39,5^{\circ}\text{C}$ дан юқори). 10 та бузоқнинг 6 тасидан биопсия суртмаларида шизонтлар, барча бузоқларнинг периферик қон суртмаларида қизил қон ҳужайралари гаметоцитлари аниқланди. Бундан ташқари, 60 дан 80 гача бўлган пассажлардан иборат шизонтлар 6 та бузоққа юборилганда фақат 1 бош бузоқда иситма кузатилди, уларнинг бирортасида ҳам биопсия суртмаларида гаметоцитлар йўқ эди, аммо тўртта хайвонда шизонтлар топилди. 117-ўтиш орқали 90 ёки ундан кўп ҳужайралар билан эмланган 6 та бузоқда клиник реакциялар кузатилмади ва қизил қон таначаларида гаметоцитлар аниқланмади.

Ушбу малумотларга кўра, Исроил изоляциясининг 43-пассажада хужайра шизонтлари билан касалланган 2 та бузоқда иситма пайдо бўлган, лимфа тугунлари ёки жигардан олинган биопсия суртмаларида шизонтлар, қон суртмаларида эритроцитлар мерозоитлари пайдо бўлган. Бошқа бузоқда клиник таъсир кўрсатилмаган, аммо қонда гаметоцитлар аниқланган. 200-пассаж хужайралари билан эмланган иккита бузоқда клиник реакциялар кузатилмади. 43 дан 200 гача пассажада бузоқлар зарарлантирилмаган. 1970 йилдан ҳозирги кунгача ушбу вакцина штамми 80 ва ундан юқори пассажлари қорамолларни эмлаш учун қайта-қайта қўлланилган. Шундай қилиб, бу штамм (1) учун аттенуация пассажи 43 дан 80 гача бўлган, бу ўзбек штаммидаги (5) аналогик пассаж билан таққосланган.

Барча ҳайвонлар штамм ёки пассаж сонидан қатъий назар қон зардоби суьултирилганда 1:64 дан 1:1024 гача бўлган нисбатда антителалар титрларини кўрсатди.

Ўзбек изоляти гомологик спорозоитлари 117 пассажи билан иммунизация қилинган (зарарланган канадан олиб музлатилган супернатант) бузоқларнинг реакцияси. Бузоқларнинг ўртача максимал ҳарорати эмланмаган ҳайвонларда 41,4°C га нисбатан 40,0-40,1°C ни кўрсатди. Иммунизация қилинмаган назорат бузоқларида 7 кунлик гипертермия билан солиштирганда тана ҳароратининг бироз кўтарилиши 2-3 кун давом этди. Барча ҳайвонларда шизонтлар биопсия суртмаларида аниқланди: иммунизация қилинган бузоқларда ўртача 1% дан кам паразит, назорат ҳайвонларида эса паразитар ўртача 11% кузатилди. Назорат гуруҳидаги бузоқларда энг юқори паразитемия 17,3% ни, эмланган ҳайвонлар гуруҳида эса эритроцитлардаги мерозоитлар энг юқори даражаси 2% ни ташкил қилди.

Ўтказилган тажрибалар иммунизация қилинган ҳайвонлар табиатда вакцина изоляти инвазия резервенти сифатида гаметоцитсизлиги тўғрисида маълумотларни тасдиқлади.

Диссертациянинг **“Ҳайвон бабезиозига қарши вакциналарни яратиш имкониятларини ўрганиш”** га бағишланган олтинчи бобида Ўзбекистон шароитида бабезиозга қарши вакциналар яратиш ва бу касалликларнинг олдини олиш асослари келтирилган.

Қорамолларда бабезиоз (пироплазмоз) *B. bigemina* кўзғатувчи томонидан чақириладиган қон-паразитар касалликдир. Бабезиозга қарши самарали эмлаш стратегиясини ишлаб чиқишда касалликнинг аниқ профилактикаси бўйича дастлабки қадамлар қўйилди.

